

**YURIDIK AHAMİYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

Keyingi o'rnlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan **Obodonlashtirish boshqarmasi** nomidan **Nizomi** asosida ish ko'rvuchi **boshlig'i N.Serjanov** bir tomondan va keyingi o'rnlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan **"Jaloliddin Lolaxon"** MChJ nomidan **Nizomi** asosida ish ko'rvuchi **A.Baltaev** ikkinchi tomondan **Ellikqal'a tuman, "Navoiy" OFY tungi yoritish tizimini joriy ta'mirlash** obektni foydalanishga tayyor holda qurishga doir pudrat shartnomasi loyihasi to'g'risida.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tumani **Obodonlashtirish boshqarmasi** tomonidan 2022-yil 19-avgustda ishlab chiqgan va dasturga 2022-yil 19-avgustda kiritilgan. Shartnoma loyihasiga **"Jaloliddin Lolaxon"** **MChJning guvoxnomasi va tanlov komissiyasining** 2022-yil 15-avgustdagি лот № 132864-sonli bayonnomasi ilova qilingan.

4.Loyiha bo'yicha taklif va e'tirozlar:

Mazkur shartnoma loyihasiga asosan **"Jaloliddin Lolaxon"** MChJ tomonidan shartnoma bo'yicha Pudratchi tomonidan bajarilgan tanlov savdosi natijasida aniqlangan tanlov komissiyasining qarori 2022-yil 15-avgustdagи bayonnomasi bilan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalarни o'z ichiga olgan holda joriy narxlarda **87 500 000 (sakson etti million besh yuz)** so'mni tashkil etishi belgilangan.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagи «**Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida**»gi O'RQ-670-1-son qonuni, O'zbekiston Respublikasi 2021-yil 22 apreldagi **«Davlat xaridlari to'grisida»**gi O'RQ-684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi **«Davlat xaridlari to'grisida»**gi qonunini **amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida**»gi PQ-3953-sun qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14 sentyabrdagi **«Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida»**gi PF-6313-sonli farmoniga asoslangan.

Ellikqal'a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



A.Kadirov

19.08.2022-yil

«Тасдиклайман»

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш

бошкармаси бошлиги

Н.Сержанов

2022 йил

«15 VIII

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошкармасининг 2022 йил «ОБОД КИШЛОК» дастури учун ажратилган маблагни мақсадга мувофик харажат килиш бўйича тузилган тендер комиссиясининг йигилиш

БАЁННОМАСИ №_5

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошкармасининг 2022 йил «ОБОД КИШЛОК» дастури учун ажратилган маблагта Элликқалъа тумани Гулистан ОФИда тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари учун.

| | | |
|-----------------|--------------|-------------------------------|
| Комиссия раиси | О.Сайдалимов | Бош мухандис |
| Комиссия аъзоси | Б.Кенжаев | Бош мутахассис |
| Комиссия аъзоси | А.Хаджиев | бош ҳисобчиси |
| Комиссия аъзоси | Д.Раджапов | мухандис |
| Комиссия аъзоси | Р.ДЖумабаев | Кадрлар буйича бош мутахассис |

Т и н г л а н д и

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағдан Элликқалъа тумани Гулистан ОФИда тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини таъмирлаб берувчи ташкилотлардан келиб тушган баҳолар, шу таъмирлаш баҳоларини аниқлаш мақсадида куйидаги Жалолиддин Лолаҳон МЧЖ, Амударё модерн хаусес МЧЖ лар тақдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Элликқалъа тумани Гулистан ОФИда тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини №132864 сонли лотга 2022 йил 15-август кунги баённома билан Жалолиддин Лолаҳон МЧЖ энг яхши таклифни танлаш ғолиби булиб бу юзасидан 2 (икки) иш куни мухокамада турди ва хеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра куйидаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан куйдагича таклифлар тушди:

| № | Товар иш хизматлар номи | Лот номери санаси ва бошлангич суммаси | Миқдори | Жалолиддин Лолаҳон МЧЖ | Амударё модерн хаусес МЧЖ | |
|--------------------------------------|--|--|---------|------------------------|---------------------------|--|
| | Ташкилот манзили: | | | Элликқалъа | Амударё | |
| | Ташкилот СТИРИ | | | 204831674 | 302989832 | |
| 1 | Элликқалъа тумани Гулистан ОФИда тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш | Лот № 132864 90186297 сум | 1 | 87 500 000 | 76 117 324 | |
| 2 | Умумий бал | | | 91,7 | 82,7 | |
| ЖАМИ: | | | | 87 500 000 | 76 117 324 | |
| Алоҳида шартлар | | | | | | |
| Сифатли хизмат килиш талаб қилинади. | | | | | | |

Комиссия раиси О.Сайдалимов сўзга чиқиб, бу ташкилотлар ичida Жалолиддин Лолаҳон МЧЖ Гулистан ОФИда тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини, қисқа муддатларда сифатли ва мустаҳкамлигига кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни мухокамаси якунланиб хеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли


Карор килади :

1. Жалолиддин Лолаҳон» МЧЖ Гулистон ОФИДА тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини арzon сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришни инобатга олинниб, шу корхона билан шартнома тузилсан.

2. Ушбу Элликқалъа тумани Гулистон ОФИДА тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилиш ва ушбу қарорнинг бажарилиши ҳамда курилиш ишларини қабул қилиб олиш бошкарма бошлиги Н.Сержановга юклатилсан.

3. Ушбу карорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош хисобчиси А.Хаджиевга ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вактида амалга ошири юклатилсан.

Комиссия раиси :



О.Сайдалимов

Комиссия аъзолари :



Б.Кенжаев

А.Хаджиев

Д.Раджапов

Р.Джумабаев

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й 19 август

173-13-194-ОВ/2022-сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармасы номидан Низоми асосида иш кўрувчи Н.Сержанов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Жалолиддин Лолаҳон” МЧЖ номидан Низоми асосида иш кўрувчи А.Балтаев иккинчи томондан Элликқалъа туман, “Гулистан” ОФЙ тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш обектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1.Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган Ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиқ тўғрисида ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилинниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактингчалик иншоотлар- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТОМА МАВЗУСИ

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига томондан Элликқалъа туман, “Гулистан” ОФЙ тунги ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳада кўзда тутилган обектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш , уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори 2022 йил «15» августдаги 132864 -сонли байённома билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 87 500 000 (саксон етти милион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас , қуийидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга сенгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда;

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда , санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар , қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

Курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши , шартнома мавзуси , субпудратчининг номи ва манзили түғрисида хабардор қилиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги , ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини мухофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш , шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Курилиш таваккалчиларини сугурта қилиш ;

Мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланиншга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш ;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриягини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V.БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага , иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш ;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш ;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш ;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриягини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади, бу **26 250 000 (йигирма олти миллион икки юз эллик минг)**_сўмни ташкил этади, қолган 70 % , яъний **61 250 000 (олтмиш бир миллион икки юз эллик минг)** сўм маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

VIII..ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ

(ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласилар .

18.Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар , у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклиdir.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21 .Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимiga мувофик Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро хужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. ҚАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи : барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини ;

лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари , қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини ;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларини кўрсатилган сертификацияларга , давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчилликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объекдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш
қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

ХІ-ТОМОНЛАРНИҢ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нұқсанлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига мүддати ўтказиб юборилған ҳар бир күн учун сифатсиз бажарылған ишлар кийматининг 0,5% микдорида пеня тұлайды, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарылған ишлар кийматининг 50 %дан ошмаслығы керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга , қурилиш меъёрлари ва қоидаларига , иш хужжатларига мувофик бўлмаса , у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматиниг 0,5 % микдорида жарима ундириш хукукига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда , мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида , шу жумладан берилган фойдада ифодаланалигтан пеня билан копланмаган заарларни коплади.

27. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бахаримаганлиги учун пењя тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қылмайды.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун сотиг олувчи (буортмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня

ЖОРГУССИЙ АГА КАВШИ КУРАШИШГА ДОИР МАЖБУРИЯРТЛАР

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар: коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-харакатларини амалга оширганини таҳдидайди.

Шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан тўғри ёки билвосита пора олишига, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида «Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУК ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян характеристларни бажармаслиги шарт.

Түркменистубу харакаттарнинг олдини олиш учун чоралар күришини кафолатлайдилар

ХІІІ ЧИЗДАВНИ ХАДЭТИШ ТАРТИБИ

29. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгилангандар тартибда йўлга келади.

ЧУЛДОХИЛА ШАРТЛАР

30. Мазкур шартнома имзоланғандан кейин , мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар , ёзишмалар , томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

31. Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.

32 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

33. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган хужжат асосида бўлади.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (2 нусхада) тузилди.

XV.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Манзили: Бўстон шаҳри, Турткул шоҳ кўчаси 1- уй
Тел.факс: 55-102-14-58
Ш/хв: 301821860352507065200110001
СТИР:204648577 ОКОНХ:90290
Молия Вазирлиги ягона Ғазначилик бўлинмаси
х/р: 23402000300100001010
СТИР:201122919 МФО:00014
Банк номи: Марказий банк Бош Бошқармаси
Тошкент шаҳри

Рахбар

Н.Сержанов.

«ПУДРАТЧИ»

“Жалолиддин Лолаҳон” МЧЖ
“Манзили: Элликкальа тумани
Тел факс97-789-47-70
х/р: 202080002002274466001
Банк номи: АТБ “Микрокредитбанк”
Элликкальа филиали
ИНН: 302531484 МФО: 01055



Рахбар

А.Балтаев

Пудрат шартномасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати

IJRO.GOV.UZ

Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.

| | | |
|---|--------------------|------------------------------------|
|  | Imzolovchi F.I.SH. | OXUNJON SAIDALIMOV ADILJON O'G'LII |
| | Imzolangan sana | 19 авг 2022 16:55 |
| | Hujjat kodi | OP7737461866 |
| | Hulosa kodi | FX4251554774 |
| | Shartnoma raqami | 173-13-194-OB/2022 |
| | | |